



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan

www.uzas.uz

2023-yil 20-oktabr №41 (4752)

21-oktabr — O'zbek tili bayrami kuni

Шу кунларда Ўзбекистонимиз, турли сабаблар билан дунёга сочилиб кетган миллатдошларимиз, қолаверса, жаҳон аҳли Ўзбек тили байрамини кенг нишонлаш учун қизгин тарафдор бўлиб кўрмоқда. Юртимиздаги истироҳат бозлари, турли муассасалар, маҳаллалар, ўқув юрларида шоир, ёзувчилар, санъаткорлар, маданият арбоблари иштирокида сайллар – байрам тадбирлари, мушоиралар, адабий-бадий учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Кейинги йилларда Ўзбек тили байрамини маънавият ва маърифат байрами сифатида мамлакатимизда, ҳатто чет ўлкаларда кенг нишонлаш анъана тусини олди. Зеро, жаҳондаги энг қадимий, энг бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили давлатчилигимиз тизмолари. У миллат руҳи, бебаҳо маънавий бойлик, халқимизнинг илмий-маданий савияси, урф-одат ва қадриятлари, турмуш тарзи, тарихи, бугуни ва айни пайтда келажакни акс этган кўзгудир.

Сир эмас, узок ва яқин ўтмишда азиз тупроғимизга, тинч-осуда ҳаётимизга қўз олайтирган турли ёвуз кучлар жафокан аждодларимизни аввало тарих ва маданиятдан, миллий тилдан, дину диёнатдан мосуво этишга жон-жаҳд билан тиришганлар, эл-юрт бошига азоб-укубатлар солганлар. Аммо жасур ва матонатли аждодларимиз зулм ва зўравонликларга қарамай, она тилини, миллий гуруҳни сақлаб қолганлар. Ўта оғир вазият ва шароитларда ўзбек тили миллатни бирлаштиришга хизмат қилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўзбек тили давлат тили сифатида сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётда фаол қўллана бошлади. Маълумотларга қўра, ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашувчилар сони жаҳонда эллик миллион кишига яқинлашган. Бу она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланиб бораётганидан далолат беради. Бугунги кунда халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътибори тобора юксалиб боришида, аввало, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур, Чўлпон,

Абдулла Қодирий яратган ўлмас асарлар ўзбек тили учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонни дунёга тараннум этишда она тилимиз асосий восита бўлаёттир. Ҳозирда дунёда олтимишга яқин университетлар ва юздан зиёд мактабларда ўзбек тили ва адабиёти ўрганилмоқда ва илмий изланишлар олиб бораётган чет эллик олим ва тадқиқотчилар сони йил сайин кўпаймоқда. Давлатимиз раҳбари айтганидек, “Она Ватанга муҳаббат ва садоқат – она тилига муҳаббат ва садоқатдан бошланади”. Узок тарихда ҳам ота-боболаримиз айнан она тилимизда жаҳонга ўзларининг доно ва жасур сўзларини айтиб келганлар. Она тилимизда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадий дурдоналар яратганлар. Ўлуғ устоз Миртемир она тилини “Боболарнинг олтин сўзи” дея таърифлар экан, боболаримиз ўзбек тилини асраб-авайлаганини, ҳар бир ўзбекча сўз олтиндан киммат эканини таъкидлайди.

Тил энг тирик, энг ҳаракатдаги ходиса, дейилади. Дарҳақиқат, унинг ҳаракати, барҳаётлиги шу тилда сўзловчи ҳар бир ин-

БОБОЛАРНИНГ ОЛТИН СЎЗИ



сон ҳисса қўшади. Сўзловчиси улуш қўшолмайдиган тил ўлимига маҳкум. Манбаларда келтирилишича, ҳозирда жаҳонда етти мингдан зиёд тил мавжуд, уларнинг фақат икки юзтаси давлат тили маконини олган.

1989 йилнинг 21 октябрь куни “Давлат тили тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Ўзбек тилига давлат тили макони берилиши ва бу Асосий қонуни – Конституциямизда мустақамлаб қўйилгани она тилимизнинг нуфузини, макеини янада юксалтирди. 2020 йил 10 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида” қонунига асосан 21 октябрь – юртимизда ҳар йили Ўзбек тили байрами кунини сифатида нишонланадиган бўлди. Шу пайтдан бошлаб ти-

лимизни эъзозлаш, унинг давлат тили сифатидаги макони, жамиятдаги макеини юксалтириш, ёш авлодни она тилига ҳурмат руҳида тарбиялаш масаласи янги босқичга кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва макеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда Ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ижроси доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини

ривожлантириш жамғармаси томонидан “Тилимиз тараққиёти йўлида бирлашкан улкан қўлатимиз” шиори остида биринчи республика семинари бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги вазирилик, ҳокимлик, ташкилот ва идоралар раҳбарларининг давлат тилида иш юритиш бўйича маслаҳатчилари, олимлар, адиблар, тегишли соҳаларнинг мутахассислари иштирок этди.

Тадбир Адиблар хиббонида Алишер Навоий бобомиз ҳайкали пойига гул қўйиш, мутафаккир шоирга эҳтиром кўрсатиш билан бошланди. Ушбу йирик анжуман Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ўтказилиши алоҳида рамзий маънога эга. Чунки тил – сўз, сўз – адабиёт демек. “Адабиёт эса халқнинг юрагидир”.

► 2

She'riy lahza

МИРТЕМИР

ОНА ТИЛИМ

Она тилим – онажоним тили бу,
Бешиқданок сингган жону қулоққа.
Элу юртим, хонумоним тили бу,
Қадимликда ўхшар она тупроққа.
Боболардан бизга мерос эзгу тил,
Авлодларга ҳазинайи бебаҳо.
Қалбимизга, руҳимизга кўзгу тил,
Бу дунёга бағишламиш не даҳо...

* * *

Ёбонларнинг чексизлиги,
Ҳам самуми, ҳам ховури,
Онажонлар алласидан,
Кўз ёшидан, оқ сутидан;
Тўқайларнинг тенгсизлиги,
Жилғаларнинг шўх говури,
Йигитларнинг ялласидан,
Сулувларнинг сукутидан —
Йўғрилган тил —
Она тилим.

Дарёларнинг тошқин пайти
Арслон янглиғ ариллаши,
Довонларнинг қўқ қиёси,
Қорли тоғлар жилосидан,
Чўпонларнинг қамиш байти,
Чилдирманинг дариллаши,
Гўрўғлининг алп сиймоси,
Алпомишининг даъвосидан —
Туғилган тил —
Она тилим.

Тулпорларнинг асовлиги,
Тош қақиши, оловлиги,
Боболарнинг олтин сўзи,
Бўёқчининг ўлидан;
Тўқувчининг алғовлиги,
Чилангарнинг далғовлиги,
Бу тупроқнинг қўш хўқизи,
Қўшчиси ҳам қўланидан —
Яралган тил —
Она тилим.

Шу тупроқнинг жон аямас
Тарлонлари, бургутлари,
Келинларнинг дилдошлиги,
Ёр-ёрларнинг жарангидан;
Босқинларнинг бедодлиги,
Бувиларнинг ўғитлари,
Дўмбиранинг мунғдошлиги,
Дуторнинг ҳам тарангидан —
Таралган тил —
Она тилим...

Navoiyshunoslik

Ҳазрат Алишер Навоий ҳаёти ва ижод йўли, сирдан қараганда кўпу хўб ўрганилгандек туюлса-да, навоийшуносликнинг чала, айни пайтда, эътиборсиз қолдирилган муаммолари ҳамон етарлича.



АСЛ МАНБАЛАР ҲАҚИҚАТИ

Агар биз навоийшунослик тарихини, ёндашув усуллари ва характерида кўра, тақрибан XV асрдан XIX охиригача бўлган миллий-шарқона навоийшунослик, жадид навоийшунослиги, совет навоийшунослиги, мустақиллик даври ўзбек навоийшунослиги, хориж навоийшунослиги тарзида даврлаштирилган бўлса, мутафаккир ижодини тадқиқ этиш қўламли рисоладагидек эканига ишонгандек бўламиз. Бироқ талқин даражаси, усуллари, манба ва матнлар ишончлилиги, методологик ўзига хослик нуктаи назаридан ёндашилганда бу ишончимизга дарз кетади. Негаки, бугунга келиб, классик навоийшуносликнинг фақат манбавий-текстологик омилга айлангани, жадид навоийшунослиги Навоийга ўз

даври ва ижтимоий-сиёсий оқим талаблари эътибори билан қарагани, совет навоийшунослиги эса “соцматериалистик метод” қолипидан чиқа олмагани, 90-йиллар бошидан бугунгача бўлган ўзбек навоийшунослиги методологиясизлик синдроми билан кечиргани маълум бўлади. Хориж навоийшунослигининг асосий камчилиги Навоий тили ва эстетикасини мохиятан англамаслик бўлиши билан бирга, уни ҳам юқоридаги тўрт давр навоийшунослиги қусурларидан холи деб бўлмайди.

Қайд этилган ушбу муаммолар янги адабиётшунослик олди-га бир саволни кўндаланг қўяди: бугунги ўзбек навоийшунослиги қайси йўлдан бориши керак?

► 4

“O'zbekiston adabiyoti va san'ati” gazetasi kunlari

БАРКАМОЛ АВЛОДОРЗУСИ

Мен доим таълим, таълим, муаллим, муаллим, деб таъкидлашим бежиз эмас. Чунки таълимни ривожлантирмасдан туриб юксак тараққиётга эриша олмаймиз. Ҳар қандай муаммонинг ечими ҳам, эртанги кунимизни ҳал қилувчи омил ҳам, шубҳасиз, таълимдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбек тили байрами кунини арафасида Зангиота туманидаги “Баркамол авлод” болалар мактабидан ўтказилган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” кунларида оммавий муталаа маданиятини шакллантиришнинг ўзига хос усулларидан фойдаланилди. Таълим муассасаси ва газета тахририяти



ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда мактаб ўқувчиларига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан тақдим этилган бадий китоблар, газета, журналлар тўхфа қилиниб, янги нашрларнинг энг диққатга сазовор жихатлари ҳусусида маълумотлар берилди.

– Мактабимизда маданият ва санъат, техника, конструкторлик ва моделлаштириш, жисмоний тарбия ва спорт, ҳунармандчилик ва қўл меҳнати, туризм ва экология, олий таълим муассасалари ва мактабга тайёрлов, хорижий тиллар ҳамда ҳарбий таълим йўналишлари бўйича жами ўттиз тўртта тўғарақ фаолияти йўлга қўйилган, – дейди “Баркамол авлод” болалар мактаби директори Муяссар Ҳабибуллаева. – Шундан йигирма тўрттаси тармок, ўнгаси ўз биномизда фаолият юритаётган тўғарақлардир. Қундалик машғулотлар икки сменада ташкил этилган.



► 6

Тадбирда Вазирлар Махкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти рахбари, таниқли шоир Нодир Жонузоқ давлат тилида иш юритиш масалалари бўйича маслаҳатчилар ўз фаолияти давомида дуч келаётган муҳим масалалар ва уларга ечим топиш, бу борада маслаҳатчилар ва тилимиз тақдирига бефарқ бўлмаган барча жонкуяр юртдошларимиз олдида турган долзарб вазифалар, барчани қизиқтирган, ўйлантирган масалалар хусусида сўз юритди. Семинар давомида ўз иш фаолияти тўғрисида сўзлаган, тажрибалари билан ўртоқлашган маслаҳатчиларнинг фикрларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугун улар дуч келаётган асосий муаммолар қуйидагилардан иборат: ташки ёзувлар, рекламалар, жой номлари, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига тўлиқ ўтиш, ўзбек тилининг имло қоидалари... Яна айрим ҳудудларда ишлаётган маслаҳатчилар бир қадар марказдан узилиб қолган, уларнинг ишида тарқоқлик сезилади... Бу каби ўткир саволларга жавоб топишда давлат тили талаблари доирасида қандай йўл тутиш керак?

Семинарнинг мақсади маслаҳатчи-мутахассисларни бир манзилга жамлаш, бу борада илғор тажрибаларни оммалаштириш, бу каби тадбирларни кенгайтириш ва шу орқали мутахассис ва маслаҳатчиларни мунтазам қўллаб-қувватлашдан иборат бўлди.

– Бундай тадбирлар барчамизни бир мақсад атрофида бирлаштиради, бир-биримизни яқиндан танишимиз ва қўллаб-қувватлашимизга хизмат қилади, – деди Нодир Жонузоқ. – Кейинги пайтда мазкур йўналишда салмоқли ишлар амалга оширилаётгани маълум. Аммо замон суръати олдимизга янги-янги вазифаларни қўйиши табиий. Шундай шароитда ўзбек тилининг халқаро микёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш, уни жаҳон тиллари сафига киришини истасак, ҳар биримиз ишимизни янги сифат босқичига олиб чиқишимиз, ўз масъулиятимизни оширишимиз керак. Нима ишларни қилдик, нима ишларни қилишимиз зарур, бизга қандай ёрдам керак?... Шу каби саволларга аниқ жавоб топишимиз лозим. Давлатимиз раҳбари мазкур соҳада иш юритиш бўйича тизимни йўлга қўйди, имкон ва шарт-шароитлар яратиб берди. Биз энди бунинг қадрига етиб, фидоко-

рона ишлашимиз зарур. Агар давлатимиз раҳбари яратиб берган шу имкониятдан тўла фойдаланмасак, тилимиз бизни кечирмайди.

Шуни айтиш керакки, семинарда муҳокама қилинган муҳим мавзу – ижтимоий объектларга ном бериш – бу шунчаки шахсий ёки хусусий иш эмас. Бу – ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик ва маънавий савиясини намоён этадиган ўзига хос мезон. Дарҳақиқат, тил билан боғлиқ энг кўп муҳокама қилинаётган, ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган масала – бу жой номларини белгилаш масаласидир. Афсуски, жамоат жойларида, кўчаларда, бинолар пештокида топонимик белгилар, турли лавҳа ва рекламалар аксарият ҳолларда хорижий тилларда, маънавийтимизга ёт мазмун ва шаклларда ёзилади. Бу, шубҳасиз, давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга беписандликдан, умумий саводхонлик даражаси тушиб кетаётганидан далолат беради.

Маълумки, бугунги глобаллашув шароитида тилимизнинг софлигини сақлаш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш ғоят долзарб вазифа саналади.

Очигини айтганда, яқин-яқингача айрим вазирликларда давлат тилида иш юритилмас эди. Кейинги икки-уч йилда турли идораларда ҳужжатлар лотин ёзуви-га асосланган ўзбек алифбосида иш юритиладиган бўлди. Жойларда, ҳудудларда кимнингдир иши суст, кимнингдир иши нисбатан яхши. Вазирликлар, идоралар бир хил, лекин натижа икки хил бўлиши мумкин. Шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳокимликлар ва идоралар раҳбарларининг иши бир-биридан фарқ қилади. Қайси раҳбар ўз атрофида яхши ҳодимларни тўплаган, энг муҳим вазифаларни сидқидилдан бажараётган бўлса, ўша жойда иш яхши натижага, самара беради.

Тадбирда ҳар бир соҳанинг алоҳида лўғатини тузиш, туркий сўзлар депозитарийсини яратиш каби тақлифлар ўртага ташланди. Зеро, тил ва тафаккур алоҳида тушунча эмас. Айни пайтда дунёда илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда. Натижада, ҳаётимизга четдан кўплаб янги

тушунча, сўз ва иборалар кириб келмоқда. Янги соҳаларни, янги тилларни ўрганиш бошқа тафаккурни ҳам ўрганиш демакдир. Доно халкимиз бежиз “Тил билган – эл билади”, демайди.

Ўрни келганда айтиб ўтиш лозим, фақат ташки ёзувларни, имлони ўзгартириб мақсадга эришиб бўлмайди. Тил тарихни, бугун ва келажакни рўёбга чиқариш воситасига айланиши керак. Негаки, тилда анъаналар, урф-одатлар давом этади.



Айни пайтда ёш авлод турли маълумотларни асосан Интернет ва ижтимоий тармоқлардан олаётир. Бинобарин, виртуал оламда она тилимизни жозибали ва кизикарли тарзда тақдим этиш, бунинг учун ўзбек тилининг компьютер дастурларини, онлайн дарсликлар, электрон лўғатларни яратиш даври аллақачон келган.

Семинар ўтган кунларда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Қадринг баланд бўлсин, она тилим!” танлови якунланди. Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Танлов икки йўналишда ташкил этилди. “Давлат тили устуворлиги таъминланган энг намунали ҳудуд” деб белгиланган биринчи йўналишда Бухоро вилоятининг Шофиркон тумани, иккинчи – “Давлат тилида иш юритиш йўлга қўйилган энг яхши тизим” йўналишида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ғолибликни қўлга киритди. Шунингдек, танловда фаол иштирок этган ҳокимликлар ҳамда республика идора-

лари вакиллари Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жамғармасининг махсус совғалари билан рағбатлантирилди. Бундан ташқари, Давлат тилини ривожлантириш департаментининг телеграм ижтимоий тармоғидаги канали орқали ўтказилган “Она тилим – ғурурим, фаҳрим” танловига ҳам якун ясалди. Мамлакатимиздаги жой номлари ҳақида кенг маълумот берувчи “Она тилим – мангу маконим”, “Ўзбекистон жой номлари” китобларини тайёрлаш ва нашр

этишда фаол катнашган ижодкорлар эсдалик совғалари ва китоблар жамланмаси билан тақдирланди.

Она тилимизни эъзозлаш, ҳурматини ўрнига қўйиш борасидаги ишлар бир-иккита танловлар билан қифояланиб қолмаслиги аниқ. Давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини такомиллаштириш, китобхонлик маданиятини ошириш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ишлар ўзбек тили равнақига бевосита хизмат қилади. Тил иши – виждон иши, эътиқод иши. Тил – миллат мавжудлигини исботлайдиган биринчи ва бош омил. Одам меҳробга тоза дил билан боргани каби, она тили ҳудудига ҳам, Она бағрига боргандек тоза эътиқод билан келиши керак, деб бежиз айтилмайди.

Салим АШУРОВ

Vatan manzillari

Сайёхатлар ҳақида гап кетганда, беихтиёр юрагинг энтикади, орзикади. Ўша жойларга боргинг, кўргинг, гул-чечакларга бурканиб ётган далаларида ёш боладек югуриб ўйнагинг, биллурдай тиниқ чашмаларида балиқдай сўзинг, ҳавосидан тўйиб-тўйиб симиргинг келаверади.

Неча йилдирки, Чодак деганда ана шундай ҳислар оғушида қоламан. Чунки отам Наманганга кўп борган. Сафардан қайтгач, туғилиб ўсган жойлари ҳақида тўлиб-тошиб ҳикоя қилар, айниқса, Чодакка алоҳида тўхталиб, гўзал табиятини эхтирос билан тасвирлар эди. Тоғлар орасидаги бу афсонавий кишлоқ шу тарзда юрагимдан чуқур жой эгаллаган, уни бориб кўришни болаликдан орзу қилардим. Қутилмаганда турмуш ўртоғим Чодакка борамиз, деб қолди. Қайдасан Наманган, дея йўлга тушдик.

Фаргона водийсига биринчи марта поездда боришим. Кишлоқлар, далалар, даралар шомда бошқача кўринади. Кўз ўнгимда отамдан эшитганларим: Исмоил Атоий, Бобойи Самосий, Бўсмағ ота, Шох Сулаймон Оқ мазор бува, Шодмон бобо, Лангар бува, Бобо Юсуф Ҳамадоний, Пошшо Хўжа мазори, Мугҳона, Шайх Сулаймон Махжур сингари азиз-авлиёларнинг муқаддас қадамжолари жонланади. Шу зиёратгоҳлар билан бирга, “Келинчак тош” ва “Чир-чир момо” обидаларини ҳам кўраман, тарихи билан яқиндан танишаман, деб ўйлайман. Қаранг, бир кишлоқда қанча азизлар! Эшитишимча, “Чир-чир момо”ни маҳаллий тилда “Оналар кўз ёши” ҳам дейишади.

Поездимиз Курама Чотқол тоғ тизмалари орасидан ўтиб, “Чодак” бекатида тўхтади. Замонавий темирйўл бекати кундузгидек ёп-ёруғ ва сокин. Меҳмонхона топиш мақсадида қатор турган “Дамас”ларга қараб юрдик. Хайрулло исмли хайдовчи меҳмон-

хонага олиб боргунча бир дунё янгиликлардан хабардор қилди.

– Кишлоғимиз денгиз сатҳидан 2500 – 2800 метр баландликда жойлашган, – дейди у. – Иқлимимиз мўътадил, салқин ҳаво паст-текисликлардан 12 – 15 даража фарқ қилади. Ёзнинг жазирама кунларида бундай оромижон муҳитни тополмайсиз. Қамчиқ довони орқали Фаргона водийсига замонавий автомобиль ва темирйўл ўтганидан кейин Чодак ўзгариб кетди. Кишлоғимиз ҳақиқий сайёҳлик масканига айланди. Қаранг, йўлнинг икки томони ҳам меҳмонхоналарга тўла.

ЎЗБЕКISTON ШВЕЦАРИЯСИ

Йўлбошловчимиз “мундоғроқ” деб таърифлаган оилавий меҳмонхона унча-мунча “хотел”лардан қолишмас экан. Сайёҳлар учун барча зарур шарт-шароитлар мухайё. Йўл ёқалаб қурилган биноларнинг олди гулзор, арчазор. Арчазор ўртасида дид билан қурилган шаршара шовуллаб турибди. Бир тарафда қатор чорпоярлар.



– Кишлоғимизни бекорга “Ўзбекистон Швецарияси” дейишмайди, – дейди меҳмонхона эгаси Муҳаммад ака. – Бу яқин-атрофда бундай табияти гўзал, ҳавоси мусаффо гўша кам. Шунинг учун дам олувчиларнинг кети узилмайди. Авваллари бунақа эмасди. 2017 йилда кишлоғимизда биттагина меҳмонхона бор эди. Вазирлар Махкамасининг “Чодак кичик туризм зонаси”ни ташкил қилиш ҳақида”ги ҳамда “2021 – 2022 йилларда Наманган вилояти Поп тумани Чодак кишлоғини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларидан кейин шароит тубдан ўзгарди. Умумий киммати 279,1 миллиард сўм бўлган 257та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилди. Йўллар, электр энергия, газ, ичимлик суви, канализация тармоқлари,

ирригация объектлари таъмирланди. Кўпқаватли уйлар қурилди, атрофи ободонлаштирилди. Кишлоқдаги 11та трансформатор мукаммал таъмирланди. Янги меҳмонхоналар, дам олиш масканлари, кўп қаватли уй-жойлар, саноат зонаси, спорт мажмуаси, мактабгача таълим муассасалари бунёд этилди. “Ҳар бир оила – тадбиркор” шиори остида одамларнинг ўзлари энг шимариб ишга киришиб кетди. Тадбиркор Камолиддин Фаёзов томонидан умумий киммати 5 миллиард сўмлик олтига коттеж фойдаланишга топширилди. Бобомурод Турсуналиев бир вақтинг ўзида 40 нафар сайёҳга хизмат қиладиган “Экотуризм” масканини барпо қилмоқда. Искандар Мадғозиев Сирдарё соҳибида 4 миллиард сўмлик меҳмонхона ва дам олиш маскани ташкил этди. Дилшод Тўрахўжаев томонидан фойдаланишга топширилган “Apart Hotel Komos” меҳмонхонаси Чодакнинг экологик хусусиятларини кўз-кўз қилади. Табиий усулда қурилган бу маскан кишлоғимизнинг юқори қисмида жойлашган. Меҳмонхонанинг том қисмида очик осмон остидаги замонавий 800 ўринли ресторан бор. У ердан кишлоқ худди кафт-



дагидек кўради, гўзал табият манзарасини томоша қилиш, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш мумкин. Сайёҳлар мотопарапланда сайр қилади. Алпинизмга қизиқувчилар учун ҳам зарур қулайликлар яратилган. Сайёҳлик марказига кўтарилишда махсус вагондан фойдаланилади. Ноанъанавий тарзда қурилган экомарказ бир умр ёдингизда қолади.

Эртаси куни Муҳаммад ака таърифлаган Ўзбекистоннинг Швецариясига бордик. Мана, Чодак. Қайси мамлакатда бор бундай сулув маскан?! Одамлари-чи?! Уларнинг меҳмондўстлиги, меҳнатқашлиги, тадбиркорлиги, ишбилармонлиги... Тадбиркор Дилшод Тўрахўжаев томонидан ташкил этилган “Мини зоопарк”даги шер, бўри, кенгуру иқлимга мослаштирилаётган экан. Тадбиркор худуд кўринишига мос экзотик гор ташкил қилибди. Дилшод Тўрахўжаев номи дунё бўйича 484 нафар интеллектуал салоҳиятли, қобилиятли, қатъиятли ишбилармонлар рўйхатдан иборат “Олтин дафтар”дан жой олибди.

Чодакнинг баланд чўққисида жойлашган “Мўъжиза шаршараси”да яна бир тадбиркор билан танишдик. Раҳимхўжа Ҳасанов уч ўғли билан бу ерда сайилгоҳ барпо этган. Ишбилармоннинг дам олиш мажмуасини айтмайсизми?! Ердан 96 метр баланддаги кўприкнинг узунлиги 400 метр. Мўъжизавий шаршара, Эйфель минораси кўринишидаги иншоот ҳам кишига олам-олам завқ бағишлайди. Бир тоғдан иккинчисига ўтишда канатдан фойдаланилади. Болалар аргинчоқларда маза қилиб учишади. Қафасларда турли уй ва ёввойи ҳайвонлар, ариқда ўрдақлар сузиб юрибди. Муталлихон Султонов раҳбарлигидаги “Кўланқазор” масъулияти чекланган жамият объектлари эса деярли куёш тушмайдиган қоялар оралиғида. Олтмиш

Ўткир РАҲМАТ

ОНА ТИЛИМ

Дунё эврилмоқда, тилим таржимон, Турфа жилвасини баён айлар у. Баъзан тўлиб-тошар гўёки қозон, Қоғозга тушади ҳар битта туйғу...

Кеча мозий билан бўйлашдим теран, Тарих кучоғидан дурлар тергали. Она тилим бийрон сўйлайди, қаранг, Қўллаб тургандайин олам пирлари.

Кул тегин битиги тошни гуллатди, Йўл-йўриқ кўрсатар ул Билга ҳокон. Кошғарий жамики элни тиллатди, Арш қадар кўтарди Навоий – султон.

Бобур шевасидан яшнади рўй-рост, Машраб оҳангида жунун нафаси. Яна не улуғлар кўтардилар даст Бугун ажнабийнинг келар ҳаваси.

Тилим, зулмлар ҳам ўтди бошингдан, Хоинларинг сенда сўзлади равон. Ёқамни тутаман зўр бардошингдан, Ёт тилга сиғинар баъзилар ҳамон.

Қўй тилим, ранжима, уларни кечир, Хоинлар сенимас, ўзини сотган. Жон тилим, жондай хуш сувингдан ичир, Сен туғилган кундан тонгимиз отган.

Тобора юксаклаб борар бул куёш, Баралла жаранглар юксак минбардан. Бўғзим тўлиб борар, кўзларимда ёш, Ўзбегим тилида учган хабардан.

Сен шундай нурли бўл, кўкни куч мудом, Доимо жаранг соч дунга баралла. Тонглари мадҳиям бўлгин жонажон, Кечалар бўл онам айтган хуш алла.

Сен борсанки, руҳим қучади кўкни, Сен борсанки, яшнаб борадир дилим. Билмайман, эртага мен борми, йўқми, Аммо сен мангусан, эй Она тилим!

Мунира РАМАЗОНОВА,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Жавоб эса оддий: тарихий поэтиканинг фундаментал назарий хулосаларига таянувчи ёки Навоий ижоди асосида методологик базасини курган янги ўзбек навоийшунослиги шаклланиши лозим. Бу жараён, биринчи навбатда, матншунослик ва Навоий биографиясини мукаммал ишлашдан бошланиши жоизки, профессор Шухрат Сирожиiddиновнинг “ADABIYOT” нашриётида чоп этилган “Амир Алишер” номли китобини (2023) шу улкан мақсад сари қўйилган хайрли қадамлардан дейиш мумкин.

Китоб икки қисмдан таркиб топган. Биринчи қисм “Алишернинг ёшлиги”, иккинчи қисм “Амир Алишер ва сарой” деб номланган. Бобларнинг айна тарзда номланишидан муаллиф бу китобида ҳам Навоий шахсияти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятига ургу берган бўлса керак, деган тасаввур уйғонади. Аммо китоб мазмуни билан чуқур танишган ўқувчи муаллифнинг манбалар шарҳи ва таснифи йўлидан эмас, илмий-текстологик таҳлил, киёсий-типологик талкин, умумлаштирувчи мантикий хулоса йўлидан борганига амин бўлади.

Хўш, китоб муаллифига бу тахлит ёндашув нимага керак бўлди?

Бизнингча, бунинг биринчи сабаби, навоийшуносликнинг юқорида санаб ўтилган муаммолари, яъни китоб муаллифини навоийшунослик, хусусан, Навоий биографиясига доир қатор қалқашлик ва қатоликлар шундай йўл тутишга олиб келган. Иккинчи сабаби ҳақида китобнинг кириш қисмида шундай дейилади: “... бу китобда муаллифнинг олдин эълон қилган ишларига айрим сабабларга кўра қиритишнинг иложи бўлмаган, шунингдек, аниқлаштирилиш нуктаи назаридан қўшимча изланишни талаб қилган янги маълумотлар қўшилиб, ихчам кўринишда тақдим этилди” (таъкид бизники – У.Ж.).

Китобда Алишер Навоий биографиясига тегишли қатор қатоликларга аниқлик қиритилган, уларнинг сабаблари ўрганилиб, киёс асосида хулосалар чиқарилган. Қатоларга ой-

динлик қиритиш китоб олдиға қўйилган асосий муаммо десақ, муболага бўлмайди. Бу жиҳат асарнинг илк саҳифаларидан бошланиб, сўнгги саҳифасигача изчил давом этган.

Ибраг бўладиган жиҳати, муаллиф ўзға навоийшунос олимлар хато-қамчиликларинигина эмас, ўзига тегишли қато-ларни ҳам кўра олган. Кўриш баробарида тан олишдан ҳам кўрқмаган.

Муаллиф муқаддам йўл қўйган бир қатоси ҳақида шундай ётади: “Фурсатдан фойдаланиб, мендан ўзгани бир қатолик ҳақида эслатиб ўтишим ўринли. 2019 йил “Маънавий ҳаёт” журналида чоп этилган “Навоий Ҳиротда туғилганими?” номли бир мақолада “Навоий Совада туғилган бўлиши мумкин”, деган бир илмий фаразни ўртаға ташлаган эдим. Гап шундаки, Хондамир қаламиға мансуб “Равзат ус-сафо” еттинчи жилди ва “Хулосат ул-ақбор” Навоийға бахшида этилган. Унинг учинчи асари “Ҳабиб ус-сияр” анча йил ўтиб тугалланган бўлиб, бу асарға сафавийлардан бўлган Ҳабибуллоҳ Соважий хомийлик қилган. Бу асарларнинг хотима қисмлари жуда ўхшаш. Хондамир олдинги икки асарида Навоий номини тилға олиш одобдан саналмагани учун турли эпитетлар қаторида “соҳибдавлат” атамасини ишлатган. Шу атамга “Ҳабиб ус-сияр”да совалик Ҳабибуллоҳ Соважийға нисбатан ҳам қўлланган. Унда “Соҳибдавлатнинг туғилган ери Совадир” деган жумла мавжуд. Навоийға бағишланган конференция учун мақола тайёрлаш жараёнида қўлимдаги хотималарнинг фотонусха ваирақлари аралашиб кетиб, шошлинчда унинг Совада туғилгани ҳақидаги қайд Навоийға алоқадор деб тушунганман” (Таъкид бизники – У.Ж.). Албатта, бу Навоий биографиясига оид жилдий муаммо эди. Шундай бўлғач, қатони ўнгламасликнинг оқибатлари ўз-ўзидан маълум. Айна пайтда, иқтибосда келтирилган муаллиф иқдорининг келажак навоийшунослари учун ибратли томони ҳам бор: кўлёмалар билан ишлайётган мутахассис етти ўлааб, бир қесиши лозим.

“Амир Алишер” китобининг фактик қатоликларға ойдинлик қиритиш миссиясини, бизнингча, қуйидаги асосларға кўра ётироф этиш лозим. Биринчидан, аввало, китоб муаллифи давр, муаллиф, ёзув шаклиға кўра хилма-хил

матнларни бехато ўқиш тажрибасини мукаммал эгаллаган. Тадқиқотға XV асрдан XIX аср охирларигача Навоий шахсияти ва ижодиға тегишли мавжуд кўлёмза манбаларнинг имкон доирасида жалб этилгани, уларда ақс этган қичик қайдларгача эътиборға олингани, тўғри ўқиб, илмий муомалаға олиб қирилгани, қиёсий таҳлил этилгани шундан далолат беради. Иккинчидан, ўрганилган кўлёмаларнинг ақсарияти форс тилида ёзилган. Китоб муаллифи грамматик қирилиши, ифода тарзи, фонетик хоссалари ўз она тилидан қескин фарқланувчи қадимий матнларни бехато ўқиш баробарида, уларнинг таржимасини ҳам

нишган ўқувчи бундай далилларнинг қўлиға дуч келади.

Бир мисол. Машҳур Мирзо Ҳайдар Дўғлотнинг Навоий вафотидан уч-тўрт йил ўтиб ёзилган “Тарихи Рашидий” асарида “Навоий асли уйғур бахшиларидан эди”, деган қайд кетган (“Амир Алишер”, 10-бет.). “Амир Алишер” китоби муаллифи ушбу маълумотнинг қатолигини айтиш билан чекланмайди, балки унинг қандай сабабларға кўра пайдо бўлгани, илдиэлари қайёққа бориб тақалишиғача асослайди. Бунда “Тарихи Рашидий” муаллифи биографиясидан тортиб, Али Яздий “Зафарнома”сигача, Хондамирнинг Мирзо Ҳайдарға доир қайдларидан XVI – XX асрлар

АСЛ МАНБАЛАР ҲАҚИҚАТИ

ўзи амалға оширган. Асарда бирор форсақ иқтибос йўқки, муаллиф бошқа мутахассис таржимасидан фойдаланган бўлсин. Учинчидан, ўзигача Навоий шахсиятиға доир матнлар билан шугўлланган мутахассислар ишларини синчиклаб ўрганган. Улар мурожаат этган манбалар, билдирган фикрлар, чиқарган хулосаларни қиёсий-текстологик таҳлил қилган. Тўртинчидан, муаммо ечимида қисмал аниқликка эришиш учун тўрт муҳим омилиға таянган: а) Навоий ҳаёти ва ижодиға доир ноёб манбалар; б) асл манбалар таъсири, уларнинг тадрижий жараёнларига оид кўлёмзалар; в) Навоийнинг ўз асарларидаги фактик маълумотлар; г) XX асрдан кейинги навоийшунослик материаллари.


Навоийшунослик тарихида буюқ мутафаккир ҳақида айтиб кетилган қато фикр ва қайдлар қам эмас. Бу жараёнда совет даври навоийшунослиги доминант мақомда туриши, бунинг остида қаразли мақсадлар ётгани эса қундек равшан. Қизиги шундаки, наннки ўтган аср, қатто XX асрғача бўлган навоийшунослик манбаларини ҳам бундай ноаниқлик ва қатоликлардан қоли деб бўлмас экан. Муаллиф қаламиға мансуб “Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили”, “Амир Алишер” ва бошқа илмий тадқиқотлар билан та-

оралиғида ёзилган “Баҳр ул-асрор”, “Том ут-таворих”, “Тазкират уш-шуро” ва йигирманчи асрда майдонға келган Зиё Садр (Бухоро) тазкирасигача мурожаат қилади. Мирзо Ҳайдар маълумотининг миллатға эмас, қасбға доирлигини, Навоий аждодларининг сарой қотиблиғи билан шугўлланганлари шундай қато талқинға олиб келгани ҳақида хулоса чиқаради. Хулосасида мантиқан инкор этиб бўлмайдиган бир далилға – Навоийнинг ўз сўэларига таянади: “Навоийнинг ўзи ота-боболарини теурийлар салтанатида “Улуғ маротибға сазавор ва бийик маносибға қомгор бўлгон эдилар” деган экан, биринчи навбатда, унинг ўзига ишонмоқ керак”, деб ёзади бу қажда олим.

Китобда Навоийнинг болалиғи, ёшлиқ ва йигитлик йиллари хусусида ҳам таҳлилий кузатишлар олиб қорилган. Ота ва она томон аждодлари ўтмишидан сўэловчи манбавий далиллар муқояса этилган. Янги хулосалар чиқарилган.

“Амир Алишер” китоби муаллифи Навоий шахсияти ва муҳити ҳақида келтирилган қатор манбавий далиллар орасида қуйидаги тарихий эпизодни ҳам келтириб ўтади: “Мақорим ул-ақлок”да “Хусайн Бойқаронинг Балх атрофларига бостириб қириш воқеалари баёни”да Алишер Навоий номи икки жойда эслатилади. Биринчисида Сул-

тон Аҳмад Хусайн Бойқаро ҳужумини даф этиш учун Аҳмад Ҳожибек қўмондонлиғи остида қўшин юборганда қўмондон қароргоҳида Алишер Навоий ҳам борлиғини кўраимиз. Иккинчисида ўша пайтларда Алишер лашқарбоши Султон Хусайн Арқангий навқари бўлиб тургани айтилади” (Таъкид бизники – У.Ж). “Навқар” бугунги тил билан “оддий асқар” дегани. Асқар эса жанг қилиши, бунинг учун жанг санъатини мукаммал эгаллаган бўлиши керак. Зеро, жанг майдонида уруш қоидаларига риоя қилибгина қон сақлаш мумкин. Сента томон от солиб, қилич уйнатиб қелаётган рақибға қарата сўэни эмас, қилични яланғочлашға тўғри қелади.



Тасаввур қилиш мумкинки, Алишер Навоий бундай реал вазиятларға бир марта тушмаган...

Шу ўринда китоб муаллифининг навоийшунослар ва оддий ўқувчи ўртасида зарбулмасал бўлиб юрадиган Навоий ва Биноий муносабати ҳақидаги хулосасини ҳам келтириб ўтиш жоиз кўрилади. Маълумки, Биноий ўзини Навоий қаршисидаги чечан рақиб деб билган.

Бундай чечанлик, тил ботирлиғи орқасида қандай қуч тургани ҳақида майда гапларни унча қушламаган тарих кито-

блари сукут сақлайди. Биноий бу иши билан мутафаккир қўнглини ранжитган ўринлари ҳам қўп бўлган. “Амир Алишер” китобида ўрганилишича, шунча қилмишларига қарамасдан Навоий Биноийға нисбатан қек сақламаган. Ундан қар қачон ёрдами ва илтифотини аямаган. Ўзига нисбатан қонқўрлик қилган ўринларда ҳам уни қечирган. Тазкирасига қиритган. Биноий таърифини берганида бирорта салбий сифатлаш қўлламаган. Китоб муаллифи айна далилларни келтирар экан, бу қажда қуйидаги хулосани илгари суради: “Биноий иқтидорли форсийзабон шоир бўлган. Ёқтимол, туркий шеъриятнинг равнаки унинг юқалишини қечаралаб қўйишидан қавотирланиш Биноийда Навоийға нисбатан адоват пайдо қилғандир”. Бу қўп жиҳатдан Ойбек хулосасига қяқин. Қажат бу хулосада, одоб юзасидан бўлса керак, “қасад” сўэни ишлатилмаган, қолос.

Шунингдек, китобда Навоийнинг болалиғи, унинг Тафт, Машҳад, Самарқанд, Саёзавор сафларлари билан боғлиқ ҳақиқатлар, Навоий ва сарой муҳити, Навоий ва Султон Хусайн муносабатлари, унинг дўстлари, рақиблари, турмуш тарзи, феъл-атвори, мол-мулки, сиёсий фаолияти қабй ўнлаб масалалар ушбу асарда қайта ўрганилган, манбалар ҳақиқатиға кўра талқин этилган.

Умуман, “Амир Алишер” китоби ҳақида: унинг бугунги навоийшунослик равнақиға муҳим қисса бўлиб қўшилиши, шоир биографиясини янги ва салмоқли далиллар билан бойитгани, асл манбаларға асосланиши, асарда тарихий матнларни талқин этишға оид янги илмий тамойиллар ишлаб чиқилгани, назарий жиҳатдан қиёсий-текстологик таҳлил методини мукаммаллаштиришға оид ютуқлар, муаллифнинг миллий позицияси; китоб услуби, талқиниға доир айрим қамчиликлар ҳақида қўп гапириш мумкин. Бирок энг яқши хулоса – ўқувчининг шахсий хулосаси, деган ақидаға амал қилиб, китоб муаллифига ижодий, ўқувниға эса маънавий равнақ талаб, сўэимизни шу жойда қяқунлаймиз.

Узоқ ЖўРАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори

БИР ҲАРФ МУАММОСИ ёхуд “ғалати машҳур”лар

Зиёлилари орасида “ғалати машҳур” деган тушунча бор. Бу айтилиши ва ёзилиши этимологик жиҳатидан она тилининг меъёрий қоидаларига изчил амал қилмаган, аниқроғи, шакл жиҳатидан хато, лекин қалқ онги ва тафакқурида шундай ўрнашиб қолгани учун машҳур бўлиб кетган, деган маънони билдиради. Хўдди шундай “ғалати машҳур”лар бизнинг тилимизда қам унча қўп эмас-у, қар қолда, мавжуд.

Қуйида қундалиқ ҳаётимизда ишлатиладаган баъзи бир сўэ ва ибора-ларза диққатини қаратамиз. Зора, уларни ишлатувчилар тегишли хулоса чиқариб олсалар.

“ТАБЪ”МИ, “ТАБЪ”МИ?

Мумтоз адабиётимизда қишининг қулқи, табиати, дид, савия ва сажиясининг даражасига нисбатан “табъ”сўэи ишлатилади. Бу “Мақолис ун-нафоис”да энг қўп тилға олинган сўэлардан биридир. Ўзбек тили имло лугатида бу сўэ “табъ” шаклида қато ёзилган. Мумтоз адабий асарлар лугатида “табъ”, қамонавий лугатларда эса “табъ” учрайди. Бу сўэни мумтоз адабиётимиз мутахассисларининг ақсарияти “табъ” деб тўғри ишлатади.

“ТУЙИЛДИ”МИ, “ТУЮЛДИ”МИ?

Саводи лотин графикасига асосланган янги ўзбек алифбоси билан қичқан журналистлар сўэни қато тарзда “туйилди”, деб ёзмоқдалар. Тўғри, сўэнинг ўэағи “туймоқ” феълдир. Аммо ўэақча –ил нисбат қўшимчаси қўшилганда, “й” билан “и” қўшилиб қяқлнт бир товушни – “ю” графемасини ташқил этади. Бинобарин, уни “туюлди” деб ёэсак тўғри бўлади. “Туйилди”нинг маъносига бошқа. У дон ё бошқа уруққа кўра эзилди, майдаланди, гоҳо латта ё рўмолға нисбатан тугилди, деган маъноларда ишлатилади.

НУР УСТИГА ҚАНДАЙ НУР?

Нутқимизда муайян бир иш қадди аълосида бақарилса, “нур устиға аъло нур” ибораси ишлатилади. Йирик тилшунос олим А.Рустамов ўтган аср сўнгги қорағида бу иборанинг шаклан қатолиғини айтган. Яъни ибора таркибидаги “аъло” (ало) аслида “устига” сўэининг тақрори экан. Шу боис уни “нур устиға нур” шаклида

ишлатиш тўғри экан. Шунға қарамай бу ибора нутқимизда ўрнашиб кетган. Уни қатто тажрибали ёзувчи ва журналистларимиз қам қалатилиғича ишлатаверади.

“ТУНАБ” НИМА, “ТЎНАБ” -ЧИ?

Тунда бировникида ётиб қолиш – тунаб қолишдир. Тўнаб эса, сал бошқача маънони билдиради. Тўнаш – ўғрилиқдир. Ота-боболаримиз шом қоғи ё қечаси қилинган ўғрилиқ ё талон-тарожни шундай аташган. Аниқроғи, қароқчининг иши тўнашдир.

“РЎЗГОР” ВА “РЎЗГОР”

Бу икки сўэнинг ҳам ўэаро фарқи бор. Рўзгор қичқ қамоа – оила дегани. Баэзилар у ёки бу егуликни қарид қилсалар, рўзгор қилдим, дейдилар. Бу нотўғри. Рўзгор учун бозор қилдим дейилса, тўғри бўлади. Рўзгор эса, умр, қажт демақдир. Бу сўэ мумтоз шеъриятимизда қўп учрайди. Масалан, Нодирабегимнинг машҳур “Тушимда кўрсам эдим” ғазалида шундай сатр мавжуд:

Кўэ очмайин қамидан рўэзорим ўтғуқидир.

Шоира Амир Умарқонни эслаб, унинг қами билан умрим ўтмоқда, деяпти. Бу жойда сўэни “рўэзорим” деб ёэиш ва айтиш қатоидир.

“ПОЙАБЗАЛ”МИ Ё “ПОЙАФЗАЛ”МИ?

Сўэнинг ўэағи абэзал – нарса, буюм дегани. Шунингдек, от анқомларининг

Til — millat ko‘zgusi

умумий номини қам абэзал деймиз. Афэзал – қяқши дегани. “Пойафэзал” деган сўэ нутқимизда мавжуд эмас. Оёқ қийимини тикувчи ақсарият устақоналар пештоқига “Пойафэзал устақонаси” деб қато ёзилган. “Пойабэзал” деб ёэилса тўғри бўлади.

“ҲАСМ” ВА “ҲАСМ”

Ҳасм – мумтоз адабиётда бисёр учрайди. Рақиб, ағёр, душман деган маъноларни билдиради. Ҳасм эса “қақи”, “тегишли” деган мазмунға эға. Иккинчи сўэ лугатларда деярли учрамайди. Унинг маъносини мен ёэи улуғ устозлардан эшитганман.”Қиз бола бировнинг қасми” дейиш нотўғри. Охирги сўэни “қ” ёрдамида ёэиш ва та-лаффуэ қилиш тўғридир.

“ЯССИ”МИ, “ЁСТИҚ”МИ?

Нутқимизда қала ё ўртамеёна бақарилган иш қажда “юмалоқ ясси бўлибди”, деган ибора ишлатилади. Талай дўстларимиз, қатто, олимлар қам иборадаги “ясси” сўэини “ёстик”, дея қалати қўллайдилар.

“ОЗИҚА” ВА “ОЗУҚА”НИНГ ФАРҚИ

Бу икки сўэ шаклан ўхшаш. Уларни қажат бир қарф (товуш) фарқлайди. Шаклда тафовут борми, демақ, маънода қам қар хиллик бўлади. Афёуски, айрим ёзувчиларимиз, айниқса, журналистлар бу икки сўэ ўртасидаги фарқни англамайдилар. “Оэиқа” – мавжудлик, предметлик қусусиятиға эға. “Оэуқа” бундай эмас. Аниқроғи оэиқа – ем (пичан, қашақ, беда ва ҳоқазо). Оэуқа эса, ундай эмас. У мавқум отға қиради. “Маънавий оэуқа” дейиш тўғри. Бирок бирикма таркибидаги сўэни “оэиқа” шаклида ёэиш ниқоятда қўпол қатоидир. Газета ўқиган одам ундан оэуқа олади, зинқор оэиқа эмас.

Қуллас, бу қабй нуксонларни жуэый ё майда деб бўлмайди. Уларни қанча тез тэзасақ, шунча қяқши.

Абдурахмон ПИРИМҚУЛОВ,
филология фанлари доктори

Тошкент шаҳар “Билим” ақборот-қутубқона марказида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа мутасадди идоралар билан қамқорликда йил режаси ишлаб қилди.

ИШОНЧЛИ ХАЗИНА

Зиё масқанимизда ўтқазилаётган китобқонлик тадбирларидан қўэланган мақсад янги давр китобсеварларига энг муқим адабиётларни тавсия этишдан иборатдир. Бундай тадбирлар ёш китобқоннинг ёзувчи билан мулоқотини уюштириш қамда қамонавий кутубқоначиларимиз тажрибасини ошириб қоришни қўэда тутайди. “Қаол китобқон”, “Китобқон она – китобқон бола” клубларида ишлаб қикилган режа асосида турли мавзуда учрашувлар, давра суқбатлари, адабий виқториналар қамда танловлар ўтқазиб қорилади. Кейинги пайтларда маърифатпарвар қадид боболаримиз, таниқли маданият арбобларимизнинг таваллуд саналарини нишонлаш анъана тусини олди. Уларнинг ҳаёти ва ижодиға бағишланган кўрғазмалар матбуотда ёритиб қорилгани туфайли китобқонлар клуби аъзоларининг сони қўпайиб бормоқда. Ўзбек миллий рақс санъатиға ўэининг беқнёс қиссасини қўшган Муқаррама Турғунбоева таваллудининг 110 йиллиғи муносабати билан “Бақор”нинг бетакрор малиқаси” номли хотира қечаси, Абу Райқон Беруний таваллудининг 1050 йиллиғи муносабати билан, ёшларға олимнинг ҳаёти ва ижодини қуқур ўрганиш ва қенг тарғиб қилиш мақсадида “Абу Райқон Беруний – буюқ юрт алломаси” номли давра суқбати, “Бир асар тарихи” лойиқаси доирасида Саид Ақмадининг “Қиприқда қолган тонг” номли қиссаси тақдимоти қамда Ўзбекистон Қақрамони, қалқ шоири Эркин Воқидов ижодиға бағишланган “Эркин Воқидов – шеъриятни қалбаларға қўқирган шоир”, Ўзбекистонда қизмат қўрсатган маданият қодими, таниқли шоира Турсуной Содикова ижодиға бағишланган “Турсуной Содикова – оила илми муаллимаси” номли давра суқбатлари шулар қумласидандир.

“Янги қажт учун, янги Ўзбекистон учун” шиори остида “Қелақағимиз пойдевори – бугунги қун ёшлари” мавзусида маънавий-маърифий тадбирларнинг “Адиблар қиёбони”да ўтқазилиши китобқонларда қатта таассурот қолдирди.

Бундай тадбирларда Тошкент шақрининг барча туманлари мақаллалари қошида фаолиятини бошлаган “Оқила аёллар қарақати” вақиллари мунтазам равишда фаол қатнашиб қелишаётир.

– Оилада аввало оналар китобға меҳр қўйишлари лозим, – дейди Қилонзор тумани “Тавқар” мақалласи етакқиси Муаттар Қамроева. – Айниқса, фарзанд тарбияқиси бўлган она энг сара асарларни ўқиган бўлиш лозим.

– Биз фарзандларимизнинг китобға қайтишини истасақ, албатта, мутолаани ўэимиздан бошлашимиз лозим, – дейди кутубқонамиз қошида фаолият олиб бораётган “Қаол китобқонлар клуби” рақбари Шарофат Отақонова. – Мутолааға қизиктиришнинг ўэиға қос қижҳати ўқийётган китобни тўғри танлашға боғлиқ. Агар биз боланин қўлиға китоб қериб, унинг онғиға иқобий таъсирини таъминлай олсақ, кейин уларнинг ўэлари кутубқоналарға қелиб китоб танлашға қизика бўқлайдилар. Қар бир ота-она фарзандининг вақти бекор кетмаслиғи, аниқ бир қасб ёки соҳа эғаси бўлишини истаса, болани лаёқатиға қараб тўғарларға бириктиришини таъминлаши керак.

Қадид бобомиз Мақмудқўжа Бехбудийнинг “Тараққий этган миллатларни оналари ўқитур экан, биз аввал оналаримизни ўқитуб, уларға тил ўргатмоғимиз керак, қунқи бизнинг илм ва тилсизлиғимиз улардандур”, деган пурмаъно қикматлари қар бир ўқимишли инсоннинг ҳаёлиға қалқимизнинг: “Отаси ўқиганнинг бири ўқийди, онаси ўқиганнинг қари ўқийди”, деган қанотли сўэларини қелтириши табиийдир.

Китобқонликка даъват этиш учун аввало ўэимиз китобқон бўлишимиз лозим. Яшаш тарзимиз билан, китобқонлиғимиз билан ибрат қўрсатишимиз, намуна бўлишимиз керак. Зеро, китоб қар бир инсоннинг севимли қамроқи, ишонқли қазинасига айлланиши лозим.

Қафиза ҚАРИМОВА,
Тошкент шақар “Билим” ақборот-қутубқона маркази директори

Актёрликни чинакам қисмат деб билганлар учун сахнада яратилган ҳар бир образ – мазмунли умрнинг муҳим бир бўлаги. Юксак маҳорат билан яратилган турфа образ ёки тимсоллар тақдири, яшаган даври, феъл-атвори, жамиятда тутган ўрни турлича бўлганидек, қиёфалари, хатти-ҳаракатлари, фикрлаш ва сўзлаш оҳанглари ҳам бир-бирига асло ўхшамайди. Бундай хилма-хиллик ва ранг-баранглик актёр ижодиини чархлаб, сайқаллаб боради.

САХНАГА САДОҚАТ

Сурхондарё вилоят мусикали драма театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳамид Орипов истеъдоди шу тарика сайқал топган салоҳиятли санъаткордир. У ижодий фаолиятини кичик ва оддий персонажлар қиёфасини жонлантиришдан бошлаб, бугунги кунда турли жанрлардаги сахна асарларида бош ва етакчи образлар яратишга муваффақ бўлмоқда. У сахнада маҳорат билан ижро этган сиймолар ҳазилакам эмас – Алишер Навоий, Амир Темур, Адиб Собир Термизий, Ҳофиз Шерозий, Алломиш ва яна ўнлаб тарихий, афсонавий ва замонавий образлар. Зеро, Ҳ.Орипов таниқли режиссёр Олимжон Салимовнинг “Томошабин билан актёрнинг жонли мулоқот қилиши – театрнинг энг марокли жихати. Бу жараён факат сахна санъатига хос”, деган фикрини ижодий фаолияти учун дастуриламал қилиб олган. У бирор-бир образ ёки тимсолни яратар экан, томошабин билан руҳан мулоқотга киришишга интилади. Бундай интилиш ижобий самаралар бераётганини унинг йиллар давомида яратган турфа қиёфалари мисолида қўриш мумкин. Масалан, Уйғун ва И.Султоннинг “Алишер Навоий” асари асосида сахналаштирилган спектаклдаги Навоий образи актёр учун ҳам, театр учун ҳам ардоқли саналади. Навоий сиймоси юртимизнинг энг машхур ва таниқли актёрлари томонидан ўзига хос тарзда

ҳолат учун тегишли сўзлаш оҳангини, нутқдаги илиқлик ва раҳмли унларни, зарур ҳолларда шиддатни, ҳаракатлар пластикасини топа олгани боис, томошабини ўзига ром этади. Навоий образига бундай ўзига хос ёндашув туфайли буюк бобокалонимиз нозик таъбли мутафаккир шоиргина эмас, балки етук давлат арбоби, донишманд инсон бўлгани томошабинга етказилади. Ҳ.Орипов яратган образлардан яна бири – буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темур сиймосидир. Актёр бу образда илк бор 1995 йилда Сурхондарё вилоят мусикали драма театри ташкил этилганининг 60 йиллиги муносабати билан Қ.Абдунабиев асари асосида сахналаштирилган “Амир Темур ва Йилдирим Боязид” спектаклида сахнага чиқди. У иродали, қарори қатъий улуг ҳукмдор, буюк давлат асосчиси, қаттиққўл инсон образини яратишга муваффақ бўлди. Соҳибқиронга хос азму шижоат, айниқса, Йилдирим Боязид иштирокида кечадиган сахналарда ишонарли ва таъсирли ижро этилди. Натижада ушбу спектакль Республика II анъанавий театр санъати фестивалида юқори баҳоланди. Сахналаштирувчи режиссёрга бош мукофот насиб этди. Ҳамид Ориповнинг ижроси алоҳида эътироф этилди. Орадан ўн йил ўтиб, Т.Зулфировнинг “Қафасдаги қаклик” асарига шоир Шафоат Раҳматулло Термизий ёзган татаббу асосида яратилган “Шоҳ ва шоир” спектаклида

ган артист Раҳим Маматалиев) ўз ички кечинмалари, ўй-хаёллари, хис-ғуйгулари билан яшаётган инсон эканини таъкидлашга айнан Ҳамид Орипов талқинидаги Ҳофиз Шерозий сиймоси сахнада тўғри жонлантирилгани туфайли эришилди.

Таниқли рус режиссёри Александр Тагиров актёр маҳорати ҳақида шундай деган эди: “Актёр ўзининг ички ва ташқи техникасини мукаммал эгаллаган мутахассис бўлиши керак. Шу билан бирга, у “синтетик театр” талабларига жавоб бериши зарур. Бугун драма, эртага мусикали комедия, опера, майдон томошалари шаклидаги спектаклларда актёр ролларни бирдек муваффақият билан ижро эта олиши шарт”. Режиссёрнинг бу фикрларини Ҳ.Орипов ижодида бемалол татбиқ этса бўлади. Чунки театр сахнасида нафақат тарихий шахслар, балки умумлашма характердаги образларни ҳам, замонавий қаҳрамонлар қиёфасини ҳам бирдек маҳорат билан яратмоқда. Усмон Азим асари асосида яратилган “Алломишнинг қайтиши”даги Алломиш, Шухрат Ризаевнинг “Она” драмаси асосидаги спектаклда Ҳокон образи фикримизга мисол бўла олади. Айниқса, “Она” спектаклидаги Ҳокон образи мураккаб шахс сифатида ишонарли гавдалантирилгани актёрнинг юксак маҳоратидан далолатдир. Сахналаштирувчи режиссёр хоқонлик даври воқеаларини бугунги куннинг долзарб муаммоларига усталик билан боғлай олган. Ҳ.Ориповнинг Ҳокон образи ҳақида санъатшунос А.Эргашев шундай ёзганди: “Актёрлар орасида ўз ижроси билан Ҳамид Орипов алоҳида ажралиб туради... Маҳоратли актёрнинг ютуғи шундаки, у образни гавдалантиришда ўзини тутиши, гапириши, ҳаракатлари билан характер ярата олган. Бундан ташқари, унинг роль ижроси давомида партнёр – сахнадаги шериги билан ишлаш санъатини етук даражада ўзлаштирганига гувоҳ бўламиз”.

Актёрдаги етакчилик хислатини Иван Буковчан асари асосида сахнага қўйилган “Қотил юраги” спектаклида ҳам кузатиш мумкин. Ушбу асар миллий анъаналаримизга эмас, балки европача турмуш тарзига хос. Табиийки, бундай асарларни сахналаштириш осон кечмаганидек, унда образ яратиш ҳам бир қадар мушкуллик туғдиради. Асар сюжети рашк туфайли қотиллик қилиб қўйган ва бу иши учун ҳибсга олинган ёш йигит (актёр Ф. Болтаев) билан унинг тезроқ ўлим топишдан манфаатдор кимсалар ўртасида бўлиб ўтган воқеалар асосига қурилган. Ҳ.Орипов иккинчи даражали образ яратган бўлса-да, айнаш шу образ туфайли спектаклни сахнага олиб чиқишдан кўзланган максалда эришилди. Чунки у гавдалантирган қаҳрамоннинг сўзлаш оҳанги, хатти-ҳаракати, сахнада ўзини тута билиш маҳорати туфайли асар европача турмуш тарзи, ғарбча дунёқараш акс этган, аммо ўзбекона маҳорат билан ижро этилган спектакль сифатида томошабин онгига етиб боришига муваффақ бўлинди.

Театрни бежиз муқаддас даргоҳ, дейишмайди. Чунки ҳар бир санъаткор халқ қалбига муқаддас ғояларни сингдиради, қалбларни эзгулик сари етаклайди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳамид Орипов ёрқин истеъдоди, маҳоратли ижроси билан ана шундай кутлуг ишни бажараётганларнинг олдинги сафарида дадил одимлаб бораётгир.

Тўра ҚОБИЛ

Термиз

ИМКОНИЯТ ВА САМАРАЛАР

Сўнги йилларда юртимизда барча соҳалар қатори кино ва турризм соҳасига ҳам эътибор қаратилмоқда. Яқин кунларда бўлиб ўтган иккита йирик халқаро тадбир ва унда ўзбекистонлик ижодкорларнинг муваффақиятли иштироки фикримизнинг далилидир. Қуйида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлиги директори Фирдавс АБДУҲОЛИҚОВнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

– Бугун мамлакатимизда кино соҳаси ҳар қачонгидан-да жадал ривожланмоқда. Фильмларимиз сони, салмоғи ва сифати йил сайин ортиб бормоқда. Кунни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида туризм ва маданият масканлари имкониятини тўлиқ ишга солиш, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг кузги мавсумини ташкил этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда кинематография имкониятларидан ҳам фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Кейинги йилларда, шубҳасиз, кино соҳасидаги ўзгаришлар самараси яққол кўза ташланыпти. “Ўзбекфильм” павильони, “Киночилар уйи”да амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, миллий фильмларимизнинг сони ортиб, сифат жиҳатидан юксалиб бораётгани, хорижий кинофестивалларда эришаётган ютуқларимиз, Бутунроссия давлат Кинематография агентлиги Тошкент филиалининг очилгани, Миллий кино фонди, Миллий кино музейининг янги бинолари ишга туширилгани – буларнинг барчаси ҳақида узок гапириш мумкин. Айни пайтда эса, Кинематография агентлиги томонидан Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини оммалаштириш, Ўзбекистонда маданият, санъат, туризм ва маданий мерос соҳаларидаги янги ислохотлар билан халқаро ҳамжамиятини таништириш борасида ҳам талайгина ишлар бажарилмоқда. Хусусан, хорижий киноижодкорлар билан ҳамкорликда киномахсулотлар ишлаб чиқариш, хорижий телеканаллар билан ҳамкорликда ишлаш, Ватанимизнинг тарихий мероси ва тарихий шахслари ҳақида туристик салоҳиятимизни тарғиб қиладиган миллий махсулотларни яратиш, Тошкент кинофестивали орқали кино туризмни ривожлантириш борасида амалга оширилган салмоқли ишлар шулар жумласидандир. Яқинда ўз ишини яқунлаган халқаро кинофестивалга ташриф буюрган америкалик киноактёр ва продюсер Кевин Спейси кизик бир гапни айтди: “Ўйлашимча, юртингизда кино санъатида қизиқш жуда юқори. Мамлакат раҳбарияти уни ривожлантириш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Мухими, умидли кадрлар яратиб берилаётган имкониятлардан юксак даражада фойдаланаётганлари кўриниб турибди”. Бу гапни Голливуд вакили гапиряпти.

Ўтган икки йил давомида, яъни 2021 йилдан хозирги кунга қадар маданий меросимиз, буюк аجدодларимиз ҳақида ҳикоя қилувчи бешта тарихий-бадий ва ўттиз олтита тарихий ҳужжатли фильм суратга олинди. Шу йили яна етти бадий фильм ва иккита анимацион лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Кинематография агентлиги томонидан Россия, Буюк Британия, Туркия, Италия, Қирғизистон, Тожикистон, Ҳиндистон ва бошқа давлатлар билан ҳамкорликда қўшма лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Хусусан, Россия кинематографчилари билан ҳамкорликда иккита йирик кинолоиҳа – “Парининг совғаси” ҳамда “Қуёш таъми” эртақ-фильмлари яратилди. Дастлаб бу фильмларни Тунисда ва Олтой ўлкасида суратга олиш режалаштирилган эди, бироқ ҳамкорларимиз Ўзбекистонни танлашди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намойиш этишга қаратилган яна бир қанча лойиҳалар ишга туширилди. Бунга Валдис Пелш билан ҳамкорликда “Ўзбекистон. Учинчи Ўйғониш даврига назар” ҳамда Саида Медведева билан ҳамкорликда яратилган “Ўзбекистон. Яқин тарих” фильмлари мисол бўла олади. Анимация йўналишида ҳам ҳамкорлик ривожланмоқда. Тимур Бекмамбетов билан Туризм агентлиги кўмагида “Хўжа Насриддин” номли глобал лойиҳа устида иш бошланди. Ўзе-

кистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти билан ҳамкорликда тарихий-ҳужжатли фильмлар суратга олинмоқда. Италиялик ҳам-



корлар билан биргаликда “Марко Поло” ва “Ибн Сино”, хитойликлар билан “Умар Камолиддин Сайид Шамсиддин” номли иккита ҳужжатли фильм лойиҳаси ишлаб чиқилди, TRT телеканали билан ҳамкорликда беш қисмдан иборат “Зиёрат – Олтин йўл” лойиҳаси яратилди. Бу йилги кинофестивалда Ўзбекистоннинг туризм салоҳияти ҳақида йиғирмата фильмдан иборат янги йирик лойиҳани ишга тушириш бўйича меморандум имзоланди.

Хорижий телеканаллар билан билан ҳамкорлик алоқаларимиз ҳам кенгайиб бормоқда. “Россия-Культура” телеканали ҳамкорликда “Ўзбекистон. Севги афсоналари”, “Янги Ўзбекистон: санъат ва маданият”, “Асрлар қаъридан мактублар”, “Дастурхон ҳарорати ва саховати”, “Ўзбекистон. Қуёшли маданиятлар туташуви”, “Қуёш остидаги макон”, 16 қисмли “Жониворлар билан мулоқот: Тошкент хайвонот боғи” фильмлари яратилди. Ҳужжатли фильмлар ҳам биз учун жуда муҳим. Айтиш жоизки, Россия, TRT, BBC телеканаллари билан қатор кинолоиҳалар яратилиб, эфирга узатилди. Бу Ўзбекистон маданияти ва туризмни оммалаштиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Энг сўнги лойиҳалар қаторида Кинематография агентлиги ва BBC билан ҳамкорликда “Усмон Қуръонининг қайтиши” ва “Қатта Лангар Куръони: Фактлар ва афсоналар” каби фильмларни айтиш мумкин.

Кези келганда, яқинда муваффақиятли яқунланган “Ипак йўли дурдонаси” 15-Тошкент халқаро кинофестивалига алоҳида тўхталиш лозим, деб ўйлайман. Зеро, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қайта тикланган Тошкент халқаро кинофестивали уч йилдирки, йилдан-йилга янада такомиллашиб, аввалги мавқеини тикламоқда. Одатда, фестиваллар турли халқлар, миллатлар ўртасида дўстлик, тинчлик ва қардошлиқ ришталарини боғлаш учун ташкил этилади. Тошкент кинофестивали ҳам айнан ижод аҳлини, киномухлисларни дўстлик ва тинчлик йўлида бирлаштира оляпти, деб ишонч билан айтиш мумкин. Бу йилги халқаро кинофестивалда беш қитъа ва 51 мамлакатдан уч юзга яқин киноижодкор ташриф буюрди. Фестиваль доирасида муҳим тадбирлар, қўллаб ижодий учрашувлар, кинотакдимотлар, таниқли кино усталарининг маҳорат дарслари юқори даражада ўтказилди. Бинобарин, Тошкент кинофестивали туфайли кино туризминини ривожлантиришга эътибор қаратишда ўзига хос имконият майдони бўлди. Бир қанча киностудиялар

рахбарлари билан янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш борасида меморандумлар имзоланди. Ҳиндистон ахборот вазири ва таниқли режиссёр Умеш Мехра ташаббуси билан “Али бобо ва қирқ қароқчи” фильмининг, Венгрия билан “Вамбери” тарихий фильмининг, қирғиз киноижодкорлари иштирокида “Бир вақтлар Самарқандда” сайёҳлик фильмининг ремейкни суратга олиш режалаштирилди. Кинофестиваль меҳмонларига Президентимиз ташаббуси билан яратилган Самарқанд сайёҳлик мажмуасини – ажойиб фильмларни суратга олиш мумкин бўлган манзилни муносиб тақдим этди.

Хорижлик мутахассислар ҳам юртимизда кинематографияга ривожига қаратилаётган эътиборга юқори баҳо беришди. Польшалик таниқли режиссёр Кшиштоф Занусси ёшларимизнинг кинога қизиқиши юксак эканидан мамнунлигини билдириб, шундай деди: “Тан олиб айтиш керакки, агар санъат ва маданият давлат томонидан қўллаб-қувватланмас экан, у таназзулга учрайди. Бу борада Ўзбекистонда қилинаётган хайрли ишлар дунёнинг энг етакчи давлатларига ҳам ибрат бўлса арзийди”.

Кинофестиваль доирасида хорижий ҳамкорлар билан биргаликда штаб-квартираси Тошкентда жойлашган МДХ мамлакатлари киностудиялари иттифоқи тузилди. Ушбу тадбир миллий киномиз ривожига муҳим ўрин тутди, деб ўйлайман. Кино соҳасида эришаётган ютуқларимиз Озарбайжонда бўлиб ўтган халқаро кинофестивалда янада ёрқин намоён бўлди. Маълумки, мазкур тадбир ташкилотчиси Туркия давлатининг тақлифига кўра, эндиликда фестиваль туркий давлатларнинг ҳар бирида ўтказилади. Навбатдаги “Қўрқут ота” халқаро кинофестивалида Ўзбекистонлик киноижодкорлар том маънода муваффақиятли қатнашдилар. Қатнашчилар орасида қамина, таниқли режиссёрлар Музаффархон Эркинов, Шухрат Махмудов Ўзбекистон халқ артисти Гулчехра Жамилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Матёқуб Матжонов, маҳоратли актриса Райхон Асадова бор эди. Шунингдек, Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази директори Фуракат Усмонов ҳужжатли фильмлар бўйича, “Ўзбекфильм” киноконцерни раҳбари Баҳодир Одилов бадий фильмлар бўйича ҳакамлар хайъати аъзоси сифатида кинофестивалда қатнашдилар. Таъкидлаш жоизки, мазкур халқаро кинофестивалда Ўзбекистондан иккита фильм – “Абдулла Орипов” (режиссёр М.Эркинов) бадий фильм ва “Менинг доирам” (режиссёр Ш.Махмудов) ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Қувонарлиси шундаки, ҳар икки фильм ҳам анжуманда юқори баҳоланди. “Абдулла Орипов” бадий фильми “Энг яхши сценарий” йўналишида мукофотга сазовор бўлди. “Менинг доирам” ҳужжатли фильми эса ўз йўналиши бўйича учинчи мукофотни қўлга киритди.

Кинофестивалда Озарбайжон, Туркия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Гагаузия (Молдова), Татаристон, Догистон, Ёкутистон, Кабарда – Болқория, Чувашистон, Тува, Черкесия ҳамда Бошқирдистон студияларида суратга олинган 32та бадий, ҳужжатли ва анимацион фильмлар намойиш этилганини назарда тутсақ, юртимиз киноижодкорларининг ютуқлари салмоқли экани равшан бўлади. Ўзбекистонлик кино усталари ҳали жаҳон сахналарида қўллаб ютуқларни қўлга киритишлари учун юртимизда ҳамма шароит бор, ҳукуматимиз кино ҳодимлари учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Бизнинг вазифамиз яхши ва мукаммал кино асарлари яратиш устида ишлаб, ўзбек киноси ютуқларини мустаҳкамлашдан иборат бўлиши керак.

Гулчехра УМАРОВА тайёрлади.

Р. С. “Қўрқут ота” халқаро кинофестивалида Ўзбекистон Маданият вазирлиги ҳузурида Кинематография агентлиги директори Фирдавс Абдуҳолиқов Туркий дунё кинематографияси ривожига қўшган ҳиссаси учун фестивалнинг махсус мукофоти билан тақдирланди.



ижро этиб келинади. Ўзбекистон санъат арбоби Мансур Равшанов ва сахналаштирувчи рассом В.Михайличенко талқинида ушбу драма кучли ижтимоий-фалсафий оҳанг сезилиб турган спектакль даражасига кўтарилди. Асар бутунлай янги ечимда сахнага олиб чиқилди. М.Равшанов режиссёр сифатида илк бор сахнада халқ образини яратишга муваффақ бўлди. Режиссёр шу йўл билан зулм ҳамда адолатсизликлардан жунбushга келган халқ нафратини, қолаверса, Навоий яшаган зиддиятли давр муҳитини гавдалантиради. Халқнинг умумлашма образи умри хазон бўлган Гулининг тобуги чархалак ёнидан олиб ўтилаётган сахнада янада ёрқинроқ намоён бўлади. Буюк шоир образини муносиб шакллантира олган Ҳамид Ориповнинг актёр сифатидаги маҳоратли ижроси бу ҳолатни янада бўрттириб кўрсатган. Алишер Навоий сиймоси сахнадаги манзара ва ҳолатларга мос равишда жонлантирилгани хиссий таъсирчанликни оширган. Чунки шоир халқ ва оддий кишилар билан мулоқотда эл ғамида юрган шоир, инсонпарвар, раҳмдил, нозик қалбли инсон сифатида гавдаланса, саройда мутлақо ўзгача қиёфада – қатъиятли, донишманд, узокни кўра биладиган арбоб, адолат тимсоли сифатида намоён бўлади. Тажрибали актёр ҳар икки

Ҳофиз Шерозий образини муваффақиятли гавдалантирди. Шоир образи актёр истеъодининг янги қирраларини кашф этди, десак муболага бўлмайди. Режиссёр Мансур Равшанов ушбу спектаклни авангард (илгор) усулида сахналаштиргани ҳам эътиборга лойик. Чунки бу усул актёрлар ижроси учун кенг имкониятлар яратди. Ушбу спектаклда илк бор томошабинлар сахнага олиб чиқилиб, доира шаклида қўйилган ўриндиқларга ўтказилди. Яъни актёрлар билан томошабин бир-бирини яқин масофадан туриб хис этиши учун имконият яратилди.

Сахна рассоми Хайрулло Чоршанбиев ғояси асосида яратилган эскизларга рассом Баҳодир Аллаёров асарнинг умумий руҳидан келиб чиқиб (спектакль поэтик-мусикали ривоят сифатида талқин этилган) декорация тайёрлади. Рассом илгари сурган ғоявий фикрни тўғри илган актёр Ҳофиз Шерозий образини бетакрор тарзда яратишга эришди. У дастлаб озурда қалбли, бечораҳол қария сифатида намоён бўлади. Аммо маҳорати туфайли жисмонан кексайиб, мадорсизланиб қолган шоир тимсоли аста-секинлик билан ҳамон ўз маслагидан воз кечмаган, қатъиятли ва иродали инсон қиёфасида гавдалана боради. Айтиш жоизки, буюк салтанат эгаси Амир Темур (Ўзбекистонда хизмат кўрсат-

Gazetxon ilhomi

ОНА ТИЛИМ

Юрагим тўридан жой олдинг илк бор, Онамнинг ҳаётбахш аллаларида. Ўтли хароратнинг тафтини сездим, Тетапоя бўлган паллаларимдан.

Навқирон йигитдек бўйинг кўрсатдинг, Навойнинг дилбар ғазалларида. Менга иймон, диёнатни ўргатдинг, Қодирю Чўлпон асарларида.

Бухорий бобомнинг ҳадисларидан Сўзласанг тенги йўқ нурсан, билимсан. Ибн Сино бўлиб тиб қонунидан Дунёга дарс берган доно тилимсан.

Қаддингни ростладинг минг машаккат-ла, Сендан сабоқ олди неча асрлар. Сен десам ҳаёлдан кетмас сира ҳам, Сибирларда қолган Усмон Носирлар.

Қадринг кўриб бугун юксалар қаддим, Номинг тақорласам ёришар дилим. Сени алқамокқа токи бор ҳаддим, Жон каби арзанда неъматсан, тилим.

Сен-ла бургут мисол этаман парвоз, Юксак маънавият қоялариға. Дўстим, жонни фидо этсак ҳамки оз, Буюқ Навойнинг ғоялариға.

Барно ХАЙДАРОВА, Балиқчи туманидаги 12-ихтисослашган мактаб директор ўринбосари

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Boshlanishi 1- sahifada

Айни пайтда қирқнафар педагог саккиз юз йигирма икки нафар болага таълим-тарбия бериб, касб-хунар сирларини ўргатишмоқда. Мактабимиз ўтган йили мукамал таъмирдан чиқарилган. Аммо замонавий жиҳозлар, компьютер, бугунги мураккаб шароитда хомийлик билан чекланиб қолмай, таниқли ижодкорларни мактабга бошлаб келгани, бадий китоблар келтириб, ўқувчиларимизни китоб, газета, журналлар мутолаасига жалб қилаётгани бизни бениҳоя қувонтирди. Бунинг учун улардан беҳад миннатдормиз.



Харбий таълим тўғраги аъзоларининг чиқишлари тadbирга ўзгача фазй бағишлади. Харбий кийимдаги ўғил-қизлар томонидан намойиш қилинган саф тайёргарлиги машқлари, қўл жанги, қурол-аслаҳалардан фойдаланиш маҳоратини қузагиб, келажак ишончли қўлларда эканлигига амин бўласиз. Айниқса, саксон ёшда бўлишга қарамай, ёш авлодга араб тилидан тўғарак машғулотлари

нинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мутасаддилар олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Барқамол авлод орзуси бизни таълим тизими билан ҳамкорлик қилишга ундаганидек, барқамол авлоднинг ҳам ўз орзу-хаваслари бор. Бу орзу-хавасларни илм-маърифат билан қувватлантириш лозим. Шу мақсадда ташкил этилаётган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” кунлари давом этади.

Шухрат АЗИЗОВ

Gul ko‘p, chaman ko‘p...



Асл исми-фамилияси Даниэль Фо бўлган ёзувчи номидан уялиб, кейинчалик дворянлар қаторига қўшилиб, ўзини Дефо деб ўзгартирган. Дефо умри давомида 500дан ортиқ китоб ёзган, у иқтисодий журналистиканинг асосчиси ҳисобланади.

Даниэль Дефо болалигидан черков таълимини олган ва келажакда роҳиб бўлишни хоҳлаган, аммо кейинчалик бу фикрдан қайтган. Ёшлигидан пайпоқ ишлаб чиқарадиган катта савдогар қўлида ишлаган. Сўнгра ўзи гишт ва черепица тайёрлайдиган завод очади, афсуски, бу ишлардан фойда кўрмайди.

СИЁСАТЧИ

Даниэль Дефо ўз даврининг етук сиёсий арбобларидан бўлган. У Буюк Британия ҳукумати қарорларига ўзгартиришлар киритиш қудратига эга эди. Кўпчилик Даниэля Дефони британ разведкасининг асосчиси, деб билади.

У истехзоли мақола ёзгани учун қамокқа ташланади. Орадан бир йил ўтгач, қиролликнинг махфий топшириқларини амалга ошириш шарти билан озодликка чиқаришади.

РОБИНЗОН КРУЗО

“Робинзон Крузо” романини Даниэль Дефо 59 ёшида ёзди ва яширинча нашр эттиради. Асар ҳаётда содир бўлган воқеаларга асосланган. Роман қаҳрамони прототипи кема капитани билан жанжаллашиб қолиб, Тинч океанидаги ороллардан бирига ташлаб кетилган шотланд денгизчиси Александр Селькирк. У тўрт йил давомида ёлғиз яшагач, орол ёнидан ўтган кемалардан бирига чиқиб жўнаб кетган.

ТАХАЛЛУСЛАР

Дефо ижоди давомида 198та тахаллусдан фойдаланган. Чарльз Жонсон тахаллусида қароқчилар тарихига бағишланган катта китобини нашр эттирган.

РОМАННИНГ ДАВОМИ

“Робинзон Крузо” романининг давоми ҳам бор, аммо бу бошқа тилларга таржима қилинмаган. Аммо роман жанрини оммалаштиришда Дефонинг хизмати катта, бу жанр аввал Буюк Британияда, кейинчалик бошқа мамлакатларда тарқалган. Унинг бошқа романилари ўғрилар, босқинчилар ва авантюристлар ҳақида бўлиб, кўпчиликда қизиқиш уйғотолмаган.

НОМАЪЛУМ МУАЛЛИФ

Дефонинг 1724 йили Лондонда таниқли денгиз қароқчилини таржимаи ҳолига бағишланган “Машхур қароқчиларнинг талончиликлари ва қотилликлари умумий тарихи” номили китоби босилди. Китобга қандайдир ҳозиргача номаълум “Чарльз Жонс” деган киши муаллиф бўлади. Кўпчиликнинг тахминича, китобнинг муаллифи Даниэль Дефо.

ТАСАВВУР ДУНЁСИ

Ёзувчи фақат Европа бўйлаб саёхатларга чиққан, аммо китобларида ёзган ўлкаларда ўзи бўлмаган. У чет давлатлар ва халқлар ҳақида қўплаб маълумотлар жамлайди ҳамда улардан асарларини ёзишда самарали фойдаланади. Маълумотлар етишмай қолганда эса, бой ҳаёлот дунёсини ишга солишди. Тажрибасиз ёзувчилар учун уларнинг барчаси ҳақиқатдек туюлади, аммо тажрибали сайёҳлар улардаги бир қанча ноаниқликларни осонликча аниқлай олади.

ҚАШШОҚЛИКДА

Ёзувчи қашшоқликда Лондоннинг овлоқ жойларида, ҳақдорлардан қочиб юрганда вафот этади. Хаста қарияни ижарага қўйган кампир ўз ҳисобидан уни дафн этади ва сарф-харажатларини қоплаш учун унинг нарсаларини сотади.

Ko‘rgazma zallarida

Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг мустақамланишида маданий-маърифий тadbирларнинг алоҳида ўрни бор. Жумладан, халқро санъат анжуманлари, кўргазмалар, биеннаселар бу борада муҳим аҳамиятга эга. Ҳафта бошида Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида очилган IV Тошкент халқро амалий санъат биеналеси қизиқарли тadbирларга бой ўтмоқда.

Мазкур санъат ҳафталигида Ҳиндистон, Миср, Япония, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Франция, Италия каби ўндан зиёд хорижий

ХУНАРМАНДЛАР НАМОЙИШ ЭТАДИ



усталар билан мулоқотда бўлиб, узаро таъриба алмашамиз, англиклардан хабардир бўламиз.

Қамолитдин Беҳзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейида очилган бухоролик хунарманд Нодир Расуловнинг “Бухоронинг заррин жилваси” кўргазмасида амалий санъат дурдоналари намойиш этилди.


— Оиламизда учинчи сулоламан, — дейди уста. — Икки қизим ва ўғлим ҳам шу хунар билан шуғулланади. Афзаллик томони шундаки, уйда оила даврасида ҳам зардўзлик билан шуғулланиш мумкин. Ҳам меҳнат қиласиз, ҳам тижорат.

Биеннале қозоғистонлик Лейла Махатнинг “Онамнинг рўмоли”, тожикистонлик Зарафшон Шакардодова, россиялик Наталья ва Татьяна Тарасова, Татевик Карапетян, қозоғистонлик Сержан Баширов, юртимиздан Ренат ва Ирина Мухаметшинлар кўргазмалари иштирокчилар билан гавжум бўлди.

Ўзбекистон заргарлик санъати ижод намуналарини ҳам муҳлисларга манзур бўлди. Халқро маданият қарвонсаройида “Ҳамро буви эртаклари” деб номланган кўргазма очилди. Унда Ҳамро бувининг ўйинчоқлари билан бирига Дилноза Назруллаева, Дилором Мухторова, Дилноза Қаримова

каби усталарнинг қулол ва сопол ўйинчоқлари ўрин олган.

Тошкент фотосуратлар уйида аънавий тўқимачиликка бағишланган кўргазма очилди. Хунарманд Мадина Қосимбоева қаштачилик бўйича маҳорат дарсини ўтди.



Хунарманд қашта тикишга қизиқувчи ёшлар билан шуғулланиб, бу хунарнинг сир-асрорлари билан ўртоқлашди. Ўзбекистон Бадий академияси Анжуманлар залида “Амалий санъат манзараси: аъналар ва арт-бозор” халқро илмий-амалий анжуманида мутахассислар санъатсевар муҳлисларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Қуни кеча Тошкент халқро амалий санъат биеналеси доирасида хорижий ва маҳаллий амалий санъат усталари Самарқандга ташриф буюришди. Меҳмонлари “Қўнғил” номили сайёҳлар қишлоғига саёхат уюштиришди. Самарқанд шахрининг диққатга сазовор жойларида бўлиб, шахарнинг маданий ёдгорликлари билан танишишди.

Халқро Биеннале дастуридан замонавий ўзбек ва хориж безак санъати, миллий қулолчилик, хатотлик ва миниатюра асарлари ўрин олгани, ганчкорлик, қулолчилик, наққошлик бўйича маҳорат дарслари ўтилгани, миллий ва замонавий либростлар намойиши, ижодий ўрашувлар, анжуманлар тadbирининг мазмунан бой бўлишига хизмат қилди. Биенналенинг ёпилиш маросими бугун пойтахтимиздаги Марказий кўргазмалар залида бўлиб ўтади.

С.ҚОСИМОВА

Bolalar bekati

ЎРИКОЙНИНГ КҲЙЛАТИ

Қуз. Боғбон боғдаги мевали дарахтларнинг мўл-қўл ҳосилини йиғиб-териб олди. Дарахтлар яқинлашиб келаётган “Хайрлашув байрами”га тайёргарлик кўра бошлашди. Пари Қуз сеҳрли таёқчасини дарахт баргларига тегизиб-тегизиб, сарик, сап-сарик, қизил, кип-қизил, қирмизи, оловранг қўйлақлар кийдира бошлади. Йил бўйи бир онладай дўст-биродар, қўни-қўшни бўлиб яшаган япроқлар қадрдонлашиб кетганди. Бир-бирига қувониб, ширин сўзлар айтишар эди:

— Опажон, қўйлақларингиз бир-рам чиройли!

— Дугонажон, қирмизи ранг сизга роса ярашибди!

Ранг-баранг япроқлар қуёшда ял-ял ёниб, шамол қўшиғига астагина раке тушарди. Хайрлашув онлари бироз оғир бўлса-да, япроқлар шукроналик билан Яратганга тақор-тақор ҳамду санолар айтарди. Дарахтда қолган япроқлар шохидан узилганларига яхши тилақлар билдириб, омонлашиб қолишарди: “Ерга енгилгина қўнгин”, “Омон бўл!”, “Яхши бор!”.

Хавода учаётган япроқлар эса, “Яхши қолинлар”, “Омон бўлинглар” деганича, чир-чир айланиб ерга оҳиста қўнишар эди.

Боғда ана шундай кайфият ҳукмрон.

Ёшгина Ўрик дарахти эса ўзининг ёрқин рангларга бой байрам қўйлагига маҳлиё. “Менинг қийимим ҳамманикидан гўзал, жозибали!” деб қувонарди. “Тилла япроқларим ҳеч қачон тўқилмасин, доим мен билан қолсин”, деб орзу қиларди. Боғда Пари Кузни қўриб қолди, шундай дебди:

— Илтимос, чиройли япроқларимни мен билан қолдиригил!

— Ўрикойим, бу менга боғлиқ эмас, илтимосингни Шамолга айт, — дебди Пари Қуз майин қилмайиб.

— Шамол, Шамол, учқур ҳаёл, япроқларимни қолқиманг, улар менга жуда-жуда ёқади, — дебди Ўриккой.

— Эҳ, болакай, Яратган Ўганининг хар бир ишида ҳикмат бор. Барглари билан ҳозир хайрлашмасанг, кейин сенга қийин бўлади, — дебди

Шамол.

— Хўп дея қолинг! Қийналмайман! Қаранг, япроқларим қанчалик хушрўй! Қанчалик гўзал, ёқимли!

— Сен айтганча бўла қолсин! Фақат кейин мендан ҳафа бўлма! — деб Шамол йўлида давом этибди.

Ҳеч қанча вақт ўтмай, боғдаги ҳамма дарахтларнинг япроқлари тўқилиб, ўзлари мудроқ уйқуга кета бошлабдилар.

Боғнинг ўртасида олтиндай сап-сарик барглари қилпиратганича турган Ўрикой ўзини ёлғиз ҳис қила бошлабди. Шу пайт унинг шохларига иккита катта, қоп-қора қарға қўнибди.

— Вой, мана буни қара, хали ҳам ёз тугамади, деб ўйлаётганга ўхшайди.

— Шериклари аллақачон барглари тўқинишган. Бу дангаса бўлса керак.

— Тўғри айтасан, бу ерда бир гап бор!

Қарғаларнинг гапини эшитган Ўрикой чуқур хўрсиниб дебди:

— Бу ерда ҳеч қандай гап йўқ. Чиройли баргларимдан айрилишни хоҳламаганим. Энди афсусдаман! Шерикларимга ўхшаб хотиржам ухлагим келяпти, лекин баргларим оғирлик қилляпти. Яратган Ўгам хар бир нарсанинг вақти-соатини белгилаб қўйган экан, мен эса билмабман! Қарғалар Ўрикойга далда беришибди.

— Майли, ҳафа бўлма, бу сенга сабоқ бўлибди.

— Биз сенга қандай ёрдам беришимиз мумкин?

— Менга фақат Шамол ёрдам бера олади.

Қарғалар Шамолни қидириб учиб кетишибди. Шамол тоғ бошида дам олиб ётган экан.

— Шамол, Шамол, учқур ҳаёл, Ўрикойга ёрдам бер, — дебди қарғалар.

Шамол шовуллаб келиб, Ўрикойнинг тилларини япроқларини бир зумда тўқиб юборибди. Япроқлар ҳам енгил тортиб, гир-гир айланиб ерга аста бош қўйибди. Ўрикой ҳам хотиржам уйқуга кетибди.

Замира ИБРОҲИМОВА



O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

Манзилимиз: Тошкент-100066, Бунёкдор кўчаси, Адиблар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

E-mail: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



Бош
муҳаррир
ҲУМОЮН
АҚБАРОВ

Тахриратга келган қўғэмалар тахсил этилмаиди ва муаллифларга қайтарилмаиди. Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир Шухрат АЗИЗОВ

Саҳифаловчи Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган. Адади - 1057. Буюртма Г - 1038. Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2. Нашр кўрсаткичи - 222. Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00. Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Сотувда нархи эркин.



ISSN 2303-614X

